САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН АБДУЖАЛИЛОВИЧ

АРАЛАШ ТИПДАГИ ИККИНЧИ ТУР ТЕНГЛАМА УЧУН ПУАНКАРЕ – ТРИКОМИ ТИПИДАГИ ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

Физика - математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 517.95

Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико – математическим наукам

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) of physical and mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН АБДУЖАЛИЛОВИЧ

АРАЛАШ ТИПДАГИ ИККИНЧИ ТУР ТЕНГЛАМА УЧУН ПУАНКАРЕ – ТРИКОМИ ТИПИДАГИ ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

Физика - математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B 2019.2.PhD/FM333 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://kengash.mathinst.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Исломов Бозор Исломович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Сатторов Эрмамат Норкулович** физика-математика фанлари доктори
	Бабажанов Базар Атажанович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Фарғона Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» сентябр соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866)231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38.)

Диссертация автореферати 2022 йил «27» август куни тарқатилди.
(2022 йил «27» август даги 1 рақамли реестр баённомаси).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI SHAROF RASHIDOV NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

М.А. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори

А.Б. Хасанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олиб борилаётган газодинамика соҳасидаги кўплаб илмий-амалий тадқиқотл аксарият ҳолларда хусусий ҳосилали аралаш типдаги иккинчи дифференциал тенгламалар учун локал ва нолокал масалаларни тадқи қилишга олиб келинади. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар устида олиб борилаётган илмий изланишлар газ динамикаси, магнитли гидродинамика, геология, овоз тезлигидан юқори тезликдаги тўлқинларнинг тарқалиш жараёнлари, геотехника ва бошқа кўплаб соҳалардаги тадқиқотларнинг энг кўп ўрганилаётган муҳим масалаларидан ҳисобланади. Бу борада, жумладан электронларнинг тарқалиш назарияси, сиртларнинг чексиз кичик эгилишлари назариялари, ер ости сувлари оқимлари ҳаракати жараёнларининг математик моделларини яратиш ва бошқа амалий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг коррект ечилишини тадқиқ қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар учун конормал ҳосилали чегаравий шартга эга масалалар ечимларини бир қийматли аниқлашга оид муаммоларни ҳал этиш бўйича тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга каср тартибли интегро-дифференциал операторлар назариясининг қўлланилиши билан боғлиқ диффузия тизимларини бошқариш, динамик тизимлар ва механик манипуляторларни бошқаришда ишлатиладиган сигналларни таҳлил қилишга оид тадқиқотларни ривожлантириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясининг муҳим фундаментал йўналишларига оид тадқиқотлар олиб бориш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Алгебра ва унинг татбиқлари, дифференциал тенгламалар ва унинг татбиқлари, чизиқсиз тизимлар, динамик тизимлар ва уларнинг татбиқларини математик моделлаштириш, стохастик таҳлил, тиббий-биологик информатика, ҳисоблаш математикаси[1]” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан аралаш типдаги иккинчи тур тенгламалар учун локал ва нолокал Пуанкаре-Трикоми типидаги чегаравий масалалар назариясини ривожлантириш мухим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармонлари, шунингдек 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда биринчи турдаги гиперболик типдаги бузилувчи тенгламаларни ўз ичига олган эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун Пуанкаре-Трикоми типидаги чегаравий масалаларни ечишга доир фундаментал натижалар М.С.Салаҳитдинов ва Б.И. Исломовнинг монографиясида ўз аксини топган бўлиб, унда иккита бузилиш чизиғига эга эллиптик типдаги тенглама учун конормал ҳосилали Пуанкаре типидаги ҳам локал, ҳам нолокал масалалар тадқиқ қилинган, шунингдек Ж. Аманов ҳамда Л.С. Чубенколар томонидан умумий Лаврентев - Бицадзе тенгламаси учун Пуанкаре - Трикоми масаласи аналогларининг бир қийматли ечиш мумкинлиги исботлади. Шу ўринда А.Ўриновнинг монографиясини ҳам қайд этиш лозим, бу монографияда биринчи тур эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун чегаравий масалалар ечиш усуллари баён қилинган.

Иккинчи турдаги бузулувчи гиперболик тенгламаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар учун параболик бузилиш чизиғига қўйилган бошланғич шартлар билан берилган Коши масаласи ҳар доим ҳам коррект бўлавермайди. И.Л.Карол иккинчи тур тенгламага оид модел тенглама учун классик типда берилган Коши масаласининг коррект бўлишини исботлади. А.В.Бицадзе биринчилардан бўлиб Трикоми масаласи учун экстремум принципини ишлаб чиқди. Иккинчи турдаги бузулувчи гиперболик тенгламаларни ўз ичига олган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганиш йўналиши бўйича муҳим натижалар И.Л.Карол, М.С.Салаҳиддинов, М.М.Смирнов, С.С.Исамухамедов, Хе Канг Чер, А.М.Нагорний, Н.К. Мамадалиев, Т.Г.Ергашев ва Н.Б Исломовлар томонидан олинган. Иккинчи турдаги эллиптик - гиперболик типдаги тенглама учун

Пуанкаре - Трикоми типидаги чегаравий масалалар шу пайтга қадар ўрганилмаган.

Биринчи турдаги аралаш типдаги тенгламалар учун Трикоми шарти билан Франкл масаласи М.М.Смирнов, А.К.Ўринов, К.Б.Сабитов ва М.Мирсабуровларнинг ишларида ўрганилган. М. Мирсабуров ва уларнинг шогирдлари ишларида фақат биринчи турдаги аралаш типдаги тенгламалар учун узлуксиз Франкл шартли локал ва нолокал чегаравий масалалар ўрганилган. Лекин Франкл шартли иккинчи турдаги эллиптик-гиперболик типдаги тенглама учун конормал ҳосила билан берилган чегаравий масалалар илгари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” – Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 6.2 рақамли “Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ечимлари ва уларнинг муҳандислик масалаларига тадбиқлари” мавзусида олиб борилаётган мажмуали илмий ишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун Пуанкаре - Трикоми типидаги чегаравий масалалар ечимининг мавжудлик ва ягоналик шартларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

икки ўлчовли соҳада иккинчи тур эллиптик типдаги тенглама учун чегаравий шартларида каср тартибли интеграл оператор қатнашган масала ечимининг ягоналиги исботлаш, мавжудлик шартларини топиш;

аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун Пуанкаре - Трикоми шарти қатнашган нолокал масалалар ечимининг мавжудлик ва ягоналик теоремаларини исботлаш;

иккинчи тур эллиптик – гиперболик типдаги тенгламалар учун экстремум принципини ишлаб чиқиш ва бу принцип ёрдамида иккинчи тур аралаш тенглама учун конормал ҳосилали Франкл масаласига ўхшаш масала ечимининг ягоналигини исботлаш, мавжудлик мезонини аниқлаш;

иккинчи турдаги эллиптик-гиперболик тенглама учун Франкл шарти қатнашган Бицадзе-Самарский типидаги нолокал масаланинг бир қийматли ечилишини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти бузиладиган эллиптик ва эллиптик-гиперболик типдаги иккинчи тур тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун локал ва нолокал шартли Пуанкаре – Трикоми типидаги чегаравий масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида иккинчи турдаги Фредголм интеграл тенгламалари назарияси, нормал типдаги сингуляр интеграл тенгламалар, Випер-Хопф интеграл тенгламалари ва энергия интеграллари назарияси, шунингдек оддий ва хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларни ечиш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки ўлчовли соҳада иккинчи тур эллиптик типдаги тенглама учун чегаравий шартларида каср тартибли интеграл оператор қатнашган масала ечимининг ягоналиги интеграл энергия усулида исботланган, мавжудлик шартлари эса иккинчи тур Фредгольм тенгламасига келтириш ёрдамида топилган;

аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун Пуанкаре - Трикоми шарти қатнашган нолокал масалаларни ечишда каср тартибли операторларнинг янги типдаги айниятлари олинган ҳамда улар ёрдамида масала ечимининг мавжудлик ва ягоналик теоремалари исботланган;

иккинчи тур эллиптик – гиперболик типдаги тенгламалар учун экстремум принципи ишлаб чиқилган ва бу принцип ёрдамида иккинчи тур аралаш тенглама учун конормал ҳосилали Франкл масаласига ўхшаш масала ечимининг ягоналиги олинган, мавжудлиги эса иккинчи тур Фредгольм интеграл тенгламалар назарияси асосида исботланган;

иккинчи турдаги эллиптик-гиперболик тенглама учун Франкл шарти қатнашган Бицадзе-Самарский типидаги нолокал масала ечимининг ягоналик шартлари топилган, ечимнинг мавжудлиги масалани Винер-Хопф типидаги сингуляр интеграл тенгламасига келтириш йўли билан ҳал этилган ва мазкур интеграл тенгламанинг ечилиш шартлари топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун қўйилган Пуанкаре-Трикоми шартли чегаравий масалаларнинг умумий ечимини топиш усулидан фойдаланиб, сиртларнинг чексиз кичик эгилишлари назарияси масалалари, шунингдек, ўзгарувчан ишорали эгри чизиқларга эга моментсиз қобиқлар назарияси масалалари ечилган;

биринчи тартибли изолятсияланган сингулярликка эга бўлган тенгламанинг нохарактеристик қисмида Фредголм бўлмаган оператор билан берилган сингуляр интеграл тенгламани ечиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, математик анализ, интеграл энергия ва интеграл тенгламалар назариясининг усулларидан фойдаланиб, математик дедуктив хулосалар қабул қилинганлиги ҳамда теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлиги билан асосланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чегарада ва соҳа ичида бузиладиган иккинчи турдаги эллиптик ва эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни тадқиқ этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг газодинамика жараёнларини, овоз тезлигидан юқори тезликда ҳаракатланувчи суюқлик ва газлар динамикасини, ер ости сувларининг аралаш муҳитларда ҳаракатланиш принципларини прогнозлаш каби жараёнларнинг моделларига татбиқ этилиши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун Пуанкаре-Трикоми типидаги локал ва нолокал чегаравий масалаларга оид олинган натижалар асосида:

иккинчи тур эллиптик – гиперболик типдаги тенглама учун Пуанкаре-Трикоми типидаги чегаравий масалани ечишда олинган натижалардан етакчи хорижий журналларда (Lobachevskii Journal of Mathematics, 2022, Vol.43, no. 2, 484-495; Azerbaijan National Academy of Sciences, 2022, Vol.42, no.1, 86-98; Lobachevskii Journal of Mathematics, 2021, Vol.42, no.15, 3616-3625) эллиптик соҳада масала ечимининг ягоналик шартларини аниқлашда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши чексиз соҳада сингуляр коэффициентли кўп ўлчовли эллиптик тенглама учун Нейман типидаги ҳамда даврий типдаги нолокал чегаравий шартли чизиқли тескари масалалар ечимларини топиш имконини берган;

аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун Пуанкаре-Трикоми типидаги локал ва нолокал чегаравий масала ечимининг мавжудлик мезонларидан №21-19-00324 (2019-2021 йй.) "Кўмирни чуқур қайта ишлашнинг экологик тоза ва ресурсларни тежовчи энергиясига ўтиш билан ёнмайдиган кул шағалли янги бетонларнинг фундаментал илмий тадқиқотлари" номли хорижий лойиҳада соҳа ичида бузулувчи иккинчи тур тенглама учун нолокал чегаравий масаланинг ечимини ҳосил қилишда фойдаланилган (Буюк Пётр номидаги Санкт-Петербург политехника университетининг 2022-йил 7-июлдаги ОД-21-4-319-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши эллиптик-гиперболик типдаги тенгламалар учун силжувчи шартли чегаравий масалалар ечимлар синфини ҳосил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 16 та илмий – амалий анжуманларида, жумладан 11 та ҳалқаро ва 5 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг « **Иккинчи турдаги эллиптик ва аралаш типдаги тенгламалар учун конормал шартли масалалар** » деб номланган биринчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, иккинчи турдаги эллиптик ва аралаш типдаги тенглама учун конормал ва интеграл шартли чегаравий масалаларни қўйиш ва бир қийматли ечиш шартларини топишга бағишланган.

Ушбу бобнинг **биринчи параграфида** конормал ва интеграл шартлари билан боғлиқ чегаравий масалани қуйидаги иккинчи турдаги эллиптик типдаги тенглама:

$$y^m u_{xx} + u_{yy} = 0, \qquad -1 < m < 0. \tag{1}$$

учун (x, y) текисликнинг $x > 0,\ y > 0$ да учлари $A(0,0), B(1,0)$ нуқталарда бўлган σ эгри чизиқ ва Ox ўқида AB кесма билан чегараланган бир боғламли D соҳада ўрганамиз. Қуйидаги белгилашларни киритамиз $J = \{(x, y):\ 0 < x < 1,\ y = 0\},\ \partial D = \vec{\sigma} \cup \overline{J},\ 2\beta = \dfrac{m}{m+2},$ ва бу ерда

$$-\frac{1}{2} < \beta < 0. \tag{2}$$

Масала 1.1. Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $u(x, y)$ функцияни топиш талаб этилади: 1) $u(x, y) \in C(\overline{D}) \cup C^1(D \cup \sigma \cup J)$ ҳамда u_x ва u_y ҳосилалари $A(0,0)$ ва $B(1,0)$ нуқталарда -2β дан кам бўлган тартибда чексизликка интилиши мумкин. 2) D сохада икки марта узлуксиз дифференциалланувчи (1) тенгламанинг ечими; 3) $u(x, y)$ қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантиради

$$\left\{\delta(s) A_s[u] + \rho(s) u\right\}\Big|_{\sigma} = \varphi(s), \quad 0 < s < l, \tag{3}$$

$$a_0(x) u_y(x,0) + \sum_{j=1}^{n} a_j(x) D_{0x}^{\alpha_j} u(x,0) + a_{n+1}(x) u(x,0) = b(x), \qquad 0 < x < 1, \tag{4}$$

бу ерда $\delta(s)$, $\rho(s)$, $\varphi(s)$, $b(x)$, $a_j(x)$ $(j = \overline{0, n+1})-$ берилган функциялар бўлиб,

$$a_0(x) \neq 0,\ \sum_{j=0}^{n+1} a_j^2(x) \neq 0,\ \forall x \in \overline{J}\ , \tag{5}$$

$$\delta^2(s) + \rho^2(s) \neq 0, \quad \forall s \in [0, l], \tag{6}$$

$$\delta(s), \rho(s), \varphi(s) \in C[0, l], \tag{7}$$

$$a_j(x),\ b(x) \in C(\bar{J}) \cap C^2(J),\ (j = \overline{0, n+1}), \tag{8}$$

ва $A_s[u] = y^m \dfrac{dy}{ds}\dfrac{\partial u}{\partial x} - \dfrac{dx}{ds}\dfrac{\partial u}{\partial y}$, -- конормал ҳосила, $D_{0x}^{\alpha_j}[\bullet] -$ эса, каср тартибли инеграл оператор бўлиб $\alpha_j \in (-1, 0,$ $l-$ бу σ чизиқнинг тўла узунлиги, $s-$ $B(1,0)$ нуқтадан бошлаб ҳисобланувчи σ чизиқ ёйининг узунлиги.

Қуйидагилар исботланган

Теорема 1.1. Агар (2), (5) ,(6) ва

$$\delta(s)\rho(s) \geq 0, \quad 0 \leq s \leq l, \tag{9}$$

$$\frac{a_{n+1}(x)}{a_0(x)} \leq 0,\ \left(\frac{a_j(x)}{a_0(x)}\right)'_x \geq 0,\ \ \frac{a_j(1)}{a_0(1)} \leq 0,\ \ \left(j = \overline{1, n}\right), \tag{10}$$

шартлар бажарилса, унда 1.1 масала D соҳада биттадан кўп бўлган ечимга эга бўла олмайди.

Теорема 1.2. Агар (2), (5)-(8) ва

$$\left|\frac{dx}{ds}\right| \leq const\ y^{m+1}(s), \tag{11}$$

шартлар бажарилса, унда D соҳада 1.1 масаланинг ечими мавжудир.

Биринчи бобнинг **иккинчи параграфида** Пуанкаре-Трикоми типидаги масаланинг бирқийматли ечилиши қуйидаги иккинчи тур эллиптик-гиперболик тенглама учун

$$sgny|y|^m u_{xx} + u_{yy} = 0, \quad -1 < m < 0 \tag{12}$$

$D = D_1 \cup D_2$, соҳада ўрганилган. Бу ерда D_1 - соҳа $y > 0$ да, учлари $A(0,0)$, $B(1,0)$ нуқталарда бўлган σ эгри чизиқ ва $AB(y=0)$ кесма билан, D_2 - соҳа эса, ўша AB кесма ва (12) тенгламанинг қуйидаги

$$AC: x - \frac{2}{m+2}(-y)^{\frac{m+2}{2}} = 0, \quad BC: x + \frac{2}{m+2}(-y)^{\frac{m+2}{2}} = 1$$

характеристикалари билан чегараланган.

Масала 1.2. Қуйидаги хоссаларга эга бўлган $u(x, y)$ функцияни топиш талаб этилади: 1) $u(x,y) \in C(\bar{D}) \cap C_x(D_1 \cup \sigma) \cap C_y(D_1 \cup \sigma \cup J) \cap C_y(D_2 \cup J)$ ҳамда u_x ва u_y ҳосилалари $A(0,0)$ ва $B(1,0)$ нуқталарда бирдан кам бўлган тартибда чексизликка интилиши мумкин. 2) $u(x,y) \in C^2(D_1)$ - D_1 сохада (12) тенгламанинг регуляр, D_2 - соҳада эса R_2[2] синфга тегишли бўлган умумлашган ечими; 3) бузилиш чизиғида қуйидаги улаш шарти бажарилади

$$u_y(x, -0) = -u_y(x, +0); \tag{13}$$

4) $u(x, y)$ - (3) чегаравий шартни ҳамда қуйидаги

[2] Смирнов М.М. Уравнения смешанного типа. Москва: «Высшая школа» 1985г. 304 с.

$$u(x,y)\big|_{AC}=\psi(x), \qquad 0\le x\le\frac{1}{2}\ , \tag{14}$$

шартни қаноатлантиради, бу ерда $\delta(s)$, $\rho(s)$, $\varphi(s)$, $\psi(x)$ - етарлича силлиқ берилган функциялар.

Қуйидагилар исботланган

Теорема 1.3. Агар (2), (9) ва $\lim\limits_{y\to 0}(-y)^{\frac{m}{2}}u^2(1,y)=0$ шартлар бажарилса, унда D соҳада 1.2 масаланинг ечими ягонадир.

Теорема 1.4. Агар (2), (6)-(7), (10) ва

$$\psi(0)=0, \quad \psi(x)\in C^2\left[0,\frac{1}{2}\right], \tag{15}$$

шартлар бажарилса, унда D соҳада 1.2 масаланинг ечими мавжуд.

Ечимнинг ягоналик теоремаси интеграл энергия, мавжудлик теоремаси эса интеграл назарияси ёрдамида исботланган.

"**Иккинчи турдаги аралаш турдаги тенглама учун нолокал чегаравий масалалар**" деб номланган ва икки параграфдан иборат иккинчи боб (12) тенглама учун D соҳада нолокал чегаравий масалаларни шакллантириш ва ўрганишга бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида (12) тенглама учун D соҳада қуйидаги масала қўйилган.

Масала C_1. 1.2. масаладаги 1)-3) хоссалар, ҳамда (3) ва

$$\frac{d}{dx}u\left[\Theta_0(x)\right]+b\frac{d}{dx}u\left[\Theta_1(x)\right]=c(x), \qquad (x,0)\in J, \tag{16}$$

чегаравий шартни ваноатлантирувчи $u(x,y)$ функцияни топиш талаб этилади. Бу ерда

$$\Theta_0\left(\frac{x}{2},-\left(\frac{m+2}{4}x\right)^{\frac{2}{m+2}}\right) \quad \text{ва} \quad \Theta_1\left(\frac{x+1}{2};-\left(\frac{m+2}{4}(1-x)\right)^{\frac{2}{m+2}}\right) \tag{17}$$

- $x\in J$ нуқтадан чиқиб (12) тенгламанинг мос равишда AC ва BC характеристикалари билан кесишиш нуқталари.

Қуйидагилар исботланган

Лемма 2.1. Агар $\tau'(x)$ функция $0<x<1$ да $k>-2\beta$ даража билан Гёлдер шартини қаноатлантирса, унда

$$T(x)=\frac{1}{\Gamma(1-2\beta)}D_{0x}^{1-2\beta}\tau(x) \tag{18}$$

функцияни қуйидаги кўринишда

$$T(x)=\frac{\sin 2\pi\beta}{2\pi\beta}\frac{d}{dx}\int_0^x(x-t)^{2\beta}\tau'(t)dt.$$

ифодалаш мумкин.

Лемма 2.2.

$$\tau(x)\in C[0,1]\cap C^{(1,k)}(0,1), \quad k>-2\beta \tag{19}$$

шарт бажарилиб, $\tau\left(x\right)$ функция $x=x_0$ $\left(x_0\in\left(0,1\right)\right)$ нуқтада энг катта мусбат(ЭКМус) ва энг кичик манфий(ЭКМан) қийматни қабул қилсин. Унда

$$E(x)=\int\limits_0^1\frac{(1-t)^{-2\beta}T(t)}{x-t}dt$$

функцияни $x=x_0$ нуқтада қуйидаги кўринишда

$$E\left(x_0\right)=(1-x_0)^{-2\beta}\left\{\left[x_0{}^{2\beta-1}cos2\beta\pi+\left(1-x_0\right)^{2\beta-1}\right]\tau\left(x_0\right)-\tau(1)\left(1-x\right)^{2\beta-1}+\right.$$

$$\left.+\left(1-2\beta\right)\left[\ cos2\beta\pi\int\limits_0^{x_0}\frac{\tau\left(x_0\right)-\tau\left(t\right)}{\left(x_0-t\right)^{2-2\beta}}d\,t-\int\limits_{x_0}^1\frac{\tau\left(t\right)-\tau\left(x_0\right)}{\left(t-x_0\right)^{2-2\beta}}d\,t\right]\right\}.$$

ифодалаш мумкин

Лемма 2.3. (2), (19) шартлар бажарилиб, $\tau\left(x\right)$ функция $x=x_0$ $\left(x_0\in\left(0,1\right)\right)$ нуқтада ЭКМус (ЭКМан) қийматни қабул қилсин. Унда $T(x)$ функцияни $x=x_0$ нуқтада қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин

$$T\left(x_0\right)\equiv\frac{1}{\Gamma\left(1-2\beta\right)}D_{0x}^{1-2\beta}\tau\left(x\right)\Big|_{x=x_0}=$$

$$=\frac{Sin2\beta\pi}{\pi}\left[x_0{}^{2\beta-1}\,\tau\left(x_0\right)+\left(1-2\beta\right)\int\limits_0^{x_0}\frac{\tau\left(x_0\right)-\tau\left(t\right)}{\left(x_0-t\right)^{2-2\beta}}d\,t\right],$$

бу ерда

$$T\left(x_0\right)<0\quad\left(T\left(x_0\right)>0\right),\quad x_0\in J\,.$$

2.1 – 2.3 леммалардан қуйидаги келиб чиқади.

Теорема 2.1.(А.В.Бицадзе экстремум принципининг аналоги) Агар (2) шарт ва $b<0$ бажарилса, унда C_1 масаланинг $u\left(x,y\right)$ ечими $c\left(x\right)\equiv0$ ва $\tau(1)=0$ шартларда ўзининг ЭКМус ва ЭКМан қийматларига фақат $\bar{D}_1$ соҳанинг $\bar{\sigma}$ чизиғида эришади.

Теорема 2.2. Агар 2.1 теореманинг шартлари ва (9) шарт бажарилиб, $A(0,0)$, $B(1,0)$ нуқталарнинг етарлича кичик атрофида $\delta(s)$, $\rho(s)$, $u_x(x,y)$, $u_y(x,y)$ лар қуйидаги

$$\rho(0)\neq0,\ \rho(l)\neq0,\tag{20}$$

$$\begin{gathered}\left|u_x\right|\le const\,R_j^{\delta-1},\quad\left|u_y\right|\le const\,R_j^{\delta-1},\quad 0<\delta<1,\quad R_j^2=(\theta-x)^2+\frac{2}{m+2}y^{m+2},\\ \left|q(s)\right|\le const\left[s\ \left(l-s\right)\right]^{\varepsilon_0},\quad \varepsilon_0>-m+\frac{m+2}{2}(1-\delta);\ j=1\text{ да }\theta=0,\ j=2\text{ да }\theta=1,\end{gathered}\tag{21}$$

шартларни қаноатлантирса, унда D соҳада C_1 масаланинг ечими биттадан кўп бўла олмайди.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида D соҳада (12) тенглама учун нолокал

$$D_{0x}^{1-\beta}u\left[\theta_0(x)\right]=c(x)u(x,0)+f(x), \qquad (x,0)\in J,$$

шартли C_2 масала ўрганилган, бу ерда $c(x)$, $f(x)-$ берилган функциялар бўлиб, $c(x),\ f(x)\in C(\bar{J})\cap C^2(J)$.

Қўйилган C_2 масаланинг бир қиймали ечилишининг исботи, ушбу бобнинг биринчи параграфидаги қўлланилган усул каби амалга оширилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Иккинчи турдаги аралаш типдаги тенглама учун Франкл типидаги шарт билан келувчи чегаравий масалалар”** деб номланган ва икки параграфдан иборат бўлиб, $D=D_1\cup D_2$ (1.2 масалага қаранг) соҳада (12) тенглама учун чегаравий масалаларни шакллантириш ва ўрганишга бағишланган.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$D_1=D\cap\{\ y>0\}$, $\qquad D_2=D\cap\{\ y<0\}$, $\qquad D=D_1\cup D_2\cup J$,

$J=\{(x,y):0<x<1,\ y=0\}$, $\qquad J_1=\{(\qquad x, \quad <\}$

$J_2=\{(x,y):c<x<1,\ y=0\}$, C_0 -- AC характеристиканинг $E(c,0)$ нуқтадан чиқувчи характеристика билан кесишиш нуқтаси бу ерда $c\in J$.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида (12) тенглама учун қуйидаги масала ўрганилган

Масала TF**.** Қуйидаги хоссаларга эга $u(x,y)$ функцияни топиш талаб этилади:

1) $u(x,y)\in C\left(\bar{D}\right)\cap C_x^1\left(D_1\cup\sigma\right)\cap C_y^1\left(D_1\cup\sigma\cup J_1\cup J_2\right)\cap C_y^1\left(D_2\cup J_1\cup J_2\right)$,

ҳамда u_x ва u_y ҳосилалари $A\left(0,0\right)$, $E\ (c\ ,0$ ва $B\left(1,0\right)$ нуқталарда бирдан кам бўлган тартибда чексизликка интилиши мумкин. 2) $u(x,y)$ -функция D_j $(j=1,2)$ сохада R_2 синфга тегишли бўлган умумлашган ечим;

3) $J_1\cup J_2$ бузилиш чизиғида қуйидаги улаш шарти бажарилади

$$\lim_{y\to+0}u_y(x,y)=-\lim_{y\to-0}u_y(x,y), \quad (x,0)\in J_1\cup J_2 \tag{22}$$

бу ерда $u_y(x,0\pm 0)=\nu^{\pm}(x)$ функция J_j интервалда узлуксиз ва интегралланувчи;

4) (3) ҳамда қуйидаги чегаравий шартларни

$$u\left(x,y\right)\Big|_{AC_0}=\psi\left(x\right), \quad x\in[0,c/2], \tag{23}$$

$$u(p(x),0)=\mu u(x,0)+f(x), \ \ (x,0)\in\bar{J}_1, \quad u(c,0)=0, \tag{24}$$

қаноатлантиради, бу ерда $\mu=const>0,\ p\left(x\right)=\delta-kx,\quad p'\left(x\right)<0,\ p(c)=c,\ p(1)=0,$ $k=c/\left(1-c\right),\ \ \delta=c/\left(1-c\right),\ \ c\in J;$ $\quad l-$ бу σ чизиқнинг тўла узунлиги, $s-$ σ чизиқнинг $B(1,0)$ нуқтадан бошлаб ҳисобланган ёйи узунлиги, $\rho(s)$, $\delta(s)$, $\varphi(s)$, $f(x)-$ эса берилган функциялар бўлиб, $f(0)=0,\ f(c)=0,\ \psi(0)=0,$

$$\rho(s),\delta(s),\varphi(s)\in C[0,l], \quad \delta(s)\neq 0,\ \ \forall s\in\left[0;l\right], \tag{25}$$

$$\psi(x)\in C^2\left[0,\frac{c}{2}\right], \qquad f(x)\in C^2(\bar{J}_1). \tag{26}$$

(23) шарт Трикоми шарти аналоги, яъни изланаётган функция қиймати AC характеристиканинг AC_0 бўлагида биринчи турдаги шарт билан, J бузилиш чизиғида эса, $[0,c]$ ва $[c,1]$ кесмаларда $u(x,0)=\tau(x)$ функция қийматларини боғловчи нолокал (24) шарт билан берилган. Бунда берилган оралиқда узлукли Франкл (24) шарти берилади. Бу типдаги масалалар аввал М.Мирсабуров ва унинг шогирдлари томонидан ўрганилган.

Қуйидагилар исботланган

Теорема 3.1.(А.В.Бицадзе экстремум принципи аналоги). Агар (2) шарт ва $0<\mu<1$ бажарилса, унда TF масаланинг $u(x,y)$ ечими $\psi(x)\equiv 0,\quad f(x)\equiv 0$ шартларда ўзининг ЭКМус (ЭКМан) қийматига фақат $\bar{D}_1$ ёпиқ соҳанинг $\bar{\sigma}$ чизиғида эришади.

Теорема 3.2. Агар 3.1 теореманинг шартлари ва (9) бажарилиб, $A(0,0),\ B(1,0)$ нуқталарнинг етарлича кичик атрофида $\delta(s)$, $\rho(s)$, $u_x(x,y),\ u_y(x,y)$ функциялар (20), (21) шартларни қаноатлантирса, унда D соҳада TF масаланинг ечими биттадан кўп бўла олмайди.

Теорема 3.3. Агар (2), (24), (25) ва (26), шартлар бажарилса, унда D соҳада TF масаланинг ечими мавжуд.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида эллиптик-гиперболик типдаги иккинчи тур тенглама учун Франкл типидаги шарт билан келувчи Бицадзе-Самарский нолокал чегаравий масаласи ўрганилган.

Задача BCF**.** TF масаладаги 1)-3) хоссаларга ва 4) (3), (24) ҳамда

$$D_{0x}^{1-\beta}u\left[\theta_0(x)\right]=a(x)u(x,0)+b(x),\quad (x,0)\in J_1, \tag{27}$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)$ функцияни топиш талаб этилади.

Бу ерда $a(x),\ b(x)-$берилган функциялар бўлиб,

$$0<\mu<1,\qquad a(x)\geq 0\quad \forall x\in \bar{J}_1, \tag{28}$$

$$a(x),\ b(x)\in C(\bar{J}_1)\cap C^1(J_1), \tag{29}$$

$$f(x)\in C^2(\bar{J}_1). \tag{30}$$

Қуйидагилар исботланган.

Теорема 3.4.(А.В.Бицадзе экстремум принципи аналоги). Агар (2) ва (28) шарт бажарилса, унда BCF масаланинг $u(x,y)$ ечими $f(x)\equiv 0,\ b(x)\equiv 0,$ шартларда ўзининг ЭКМус ва ЭКМан қийматларига фақат $\bar{D}_1$ ёпиқ соҳанинг $\bar{\sigma}$ чизиғида эришади.

Теорема 3.5. Агар 3.2 теореманинг шартлари ва (9) бажарилиб, $A(0,0),\ B(1,0)$ нуқталарнинг етарлича кичик атрофида $\delta(s)$, $\rho(s)$, $u_x(x,y),\ u_y(x,y)$ функциялар (20), (21) шартларни қаноатлантирса, унда D соҳада BCF масаланинг ечими биттадан кўп бўла олмайди.

Теорема 3.6. Агар (2), (24), (25), (29) ва (30), шартлар бажарилса, унда D соҳада BCF масаланинг ечими мавжуд.

ХУЛОСА

Диссертация иши аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун Пуанкаре – Трикоми типидаги локал ва нолокал чегаравий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган.

Илмий изланишнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

икки ўлчовли соҳада иккинчи тур эллиптик типдаги тенглама учун чегаравий шартларида каср тартибли интеграл оператор қатнашган масала ечимининг ягоналиги интеграл энергия усулида исботланган, мавжудлик шартлари эса иккинчи тур Фредгольм тенгламасига келтириш ёрдамида топилган;

аралаш типдаги иккинчи тур тенглама учун Пуанкаре - Трикоми шарти қатнашган нолокал масалаларни ечишда каср тартибли операторларнинг янги типдаги айниятлари олинган ҳамда улар ёрдамида масала ечимининг мавжудлик ва ягоналик теоремалари исботланган;

иккинчи тур эллиптик – гиперболик типдаги тенгламалар учун экстремум принципи ишлаб чиқилган ва бу принцип ёрдамида иккинчи тур аралаш тенглама учун конормал ҳосилали Франкл масаласига ўхшаш масала ечимининг ягоналиги олинган, мавжудлиги эса иккинчи тур Фредгольм интеграл тенгламалар назарияси асосида исботланган;

иккинчи турдаги эллиптик-гиперболик тенглама учун Франкл шарти қатнашган Бицадзе-Самарский типидаги нолокал масала ечимининг ягоналик шартлари топилган, ечимнинг мавжудлиги масалани Винер-Хопф типидаги сингуляр интеграл тенгламасига келтириш йўли билан ҳал этилган ва мазкур интеграл тенгламанинг ечилиш шартлари топилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ «ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»

АБДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН АБДУЖАЛИЛОВИЧ

КРАЕВЫЕ ЗАДАЧИ ТИПА ПУАНКАРЕ – ТРИКОМИ ДЛЯ УРАВНЕНИЯ СМЕШАННОГО ТИПА ВТОРОГО РОДА

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/FM333.

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете - Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб–странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Исломов Бозор Исломович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Сатторов Эрмамат Норкулович** доктор физико-математических наук **Бабажанов Базар Атажанович** доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ферганский Государственный университет**

Защита диссертации состоится «30» сентябр 2022 года в 10^{00} часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866)231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № 1). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866)231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38).

Автореферат диссертации разослан « 27 » август 2022 года.
(протокол рассылки № 1 от «27» август 2022 года).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI • SHAROF RASHIDOV NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI •

А.С. Солеев
Председатель научного совета по присуждению научных степеней, доктор физико-математических наук, профессор

М.А. Халхужаев
Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, доктор физико-математических наук

А.Б. Хасанов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, доктор физико-математических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования в области газовой динамики, проводимые на мировом уровне, в большинстве случаев сводятся к изучению локальных и нелокальных краевых задач для дифференциальных уравнений с частными производными смешанного типа второго рода. В настоящее время исследования, проводимые по теории уравнениям смешанного типа второго рода, являются основными вопросами научных направлений газодинамики, магнитной гидродинамики, геологии, процессов распространения сверхзвуковых волн, геотехники и многих других областей науки. В связи с этим особое внимание уделяется исследованию вопросов, связанных с теорией рассеяния электронов, теорией бесконечно малых изгибаний поверхностей, созданием математических моделей процессов течения подземных вод и решением других практических задач.

В мире проводятся научные исследования, направленные на исследование корректного решения краевых задач для дифференциальных уравнений в частных производных смешанного типа. В этом направлении приоритет отдается исследованиям связанных с однозначной разрешимости решений краевых задач, с краевыми условиями содержащих конормальных производных, для уравнений смешанного типа второго рода. Вместе с тем, актуальной задачей считается развитие исследований, связанных с применением теории дробных интегро-дифференциальных операторов к управлению диффузионным системам, анализу сигналов, используемых при управлении динамическими системами и механическими манипуляторами.

В нашей республике осуществляются масштабные мероприятия по исследованию важных фундаментальных направлений теории уравнений в частных производных и их применению на практике. Основными задачами и направлениями деятельности математической науки являются, проведение исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям «Алгебры и ее приложений, дифференциальных уравнений и их приложений, математического моделирования нелинейных систем, динамических систем и их приложений, стохастического анализа, медико-биологической информатики, вычислительной математики»[1]. В обеспечении исполнения данного постановления важное значение имеет развивать теории краевых задач типа Пуанкаре-Трикоми для уравнений смешанного типа второго рода.

Тема и объект исследования настоящей диссертации находится в русле проблем, которые входят в тематику задач, отмеченных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-4947 от 7 февраля

[1]Указ Президента Республики Узбекистан ПП-4387 от 9 июля 2019 года “О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И.Романовского Академии наук Республики Узбекистан”.

2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», а также постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан» и ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», и в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Последние годы в направлении исследования краевых задач типа Пуанкаре – Трикоми для уравнения эллитико-гиперболического типа, содержащих вырождающиеся гиперболические уравнения первого рода, основополагающие результаты получены в монографии М.С.Салахитдинова и Б.И.Исломова, где рассматривается как локальные так и нелокальные задачи типа Пуанкаре с конормальной производной для уравнения эллиптического типа с двумя линиями вырождения, а в работах Дж. Аманов, Л.С.Чубенкой доказана однозначная разрешимость аналоги задачи Пуанкаре – Трикоми для общего уравнения Лаврентьева – Бицадзе. Также надо отметит монографию А.Уринова в которой описаны методы решения краевых задачи для уравнения эллиптико - гиперболического типа первого рода.

